


Таълим жараёнида қўлланиладиган интерфаол методлар

ФИКР.МУЛОХАЗА.ИСБОТ

■ ФСМУ



- **Ф** – Фикрингизни баён этинг
- **С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- **М** – Фикрингизга мисол келтиринг
- **У** – Фикрларингизни умумлаштиринг, хулосаланг

Мавзу «Ер муносабатларининг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига нима асос бўлади?»»

Ф	Фикрингизни баён қилинг
С	Сабабларини тушунтиринг
М	Мисол келтиринг
У	Барчасини умумлаштиринг ва умумий хулоса қилинг

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

КАФЕДРА ТОМОНИДАН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН РАСМИЙЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ:

(максимал балл – 5 балл)

- 1. РЕФЕРАТ (кўлда ёзилади, таркиби бўйича режа: кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати) - 3 балл;**
- 2. ТАҚДИМОТ (компьютерда бажарилади ва қозда чоп этилади, 12-15 слайд) - 4 балл;**
- 3. Мавзу бўйича мақола (компьютерда терилади, 4-5 варок) - 5 балл.**

Ўтилган мавзуни такрорлаш учун саволлар

1. Ер тузиш тушунчаси нимани англатади?
2. Ер тузишнинг нечта тури мавжуд?
3. Ер тузиш турлари қайси белгиларига кўра бир биридан фарқланади?
4. Ер тузиш ҳаракатларини қайси орган амалга оширади?
5. Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан ўтказиладиган ер тузиш ишлари бир – биридан нимаси билан фарқланади?

4-мавзу: 2-маъруза:

ХЎЖАЛИКЛАРАРО ВА ХЎЖАЛИКДА ИЧКИ ЕР ТУЗИШНИ ҲУҚУҚИЙ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

РЕЖА:

- 1. Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари.**
- 3. Хўжаликда ички ер тузишнинг ҳуқуқий асослари.**

Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони :90</i>	4-Мавзу, 1-мавбу. 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	1.Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси. 2.Хўжаликлараро ер тузишнинг ҳуқуқий асослари.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Хўжаликлараро ер тузишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
1.Хўжаликлараро ер тузиш тўғрисида тушунча беради. 2. Хўжаликлараро ер тузишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунча беради.	1.Хўжаликлараро ер тузиш тўғрисида тушунчага эга бўлади. 2. Хўжаликлараро ер тузишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунчага эга бўлади.
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, коллектив иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	<p>Гуруҳлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи**. Т.: ТДЮИ, 2006.-117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, А. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma.- Т.: TIMI, 2016.-196 б
8. **Земельное право**: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ер тузишнинг асосий Низоми


Интернет ресурслари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)


Ўзбекистон Республикаси Ер
кодексининг **12-моддасида** ер тузиш
ишларининг тўрта тури кўрсатилган:

- 1) истиқболга мўлжалланган;**
- 2) лойиҳалаш олдидан;**
- 3) хўжаликлараро;**
- 4) ички хўжалик ер тузиш.**


**Ер участкаларининг
жойлашган хۇдуди
бўйича**




**ер тузиш ишларини амалга
оширишга асос бўладиган
юрлик хужжат бўйича**



**Амалга ошириш
муддати бўйича**



**хўжалик юритувчи субъектларга
қаратилганлиги ёки
қаратилмаганлиги**



умумийлик

истиқболга
мўлжалланган
ва лойиҳалаш
олдидан амалга
ошириладиган ер
тузиш

фарқлар

туманлар ва
вилоятларнинг ер
тузиш чизмалари

алоҳида
муҳофаза
этиладиган
табиий
ҳудудларнинг
жойлашиши ва
чегаралари
белгиланишини
асослаш билан
боғлиқ бўлган
тадбирлар

Истиқболга
мўлжалланган ер
тузишда ер
ҳудудларда
бажариладиган
ер тузиш ишлари
башорат
қилинади

Лоиҳалаш
олдидан
бажариладиган
ер тузиш
ишида
лойиҳалаш
ишлари
мўлжалланди

ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН НИМА АСОС БЎЛАДИ?

Хўжаликлараро ер тузиш давлат органларининг (ҳокимиятларнинг), маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорлари ёки ер мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари, ҳамда ер тузиш органларининг ташаббуси бўйича ва манфаатдор фуқаролар ва ҳуқуқий шахслар иштирокида ўтказилади

**ХЎЖАЛИКЛАРАРО
ЕР ТУЗИШ
НИМА МАҚСАДДА
ЎТКАЗИЛАДИ?**

12-модда

Хўжаликлараро ер тузиш ер участкаларини жойлаштиришнинг қулай ва оқилона тартибини танлаш, уларни ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорларга ажратиб беришда мақсадга мувофиқликни таъминлаш ҳамда ер участкаларига бўлган эгалик, фойдаланиш, мулк ҳуқуқини таъминлаш каби масалаларни ҳал қилиш учун амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорларнинг ер участкалари жойлашувининг мукамаллигини таъминлайди, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер мулкдорларига ерга бўлган тегишли ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш учун асос бўлади.

**Хўжаликлараро
ер тузишни
ўтказишдан
қандай мақсад
кўзланади?**

**БИРИНЧИ МАҚСАД – ЕР
РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА
Фойдаланишни ва уни
муҳофаза қилишни ташкил
этиш**

**Иккинчиси - ишлаб
чиқаришни ҳудудий ташкил
этиш, яъни, ҳудудда, унинг
ишлаб чиқариш кучлари
хусусиятларини ҳисобга
олган ҳолда - ишлаб
чиқариш объектларини ва
меҳнат ресурсларини
жойлаштириш.**

Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси

Хўжаликлараро ер тузиш ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш ва тартибга солиш масалаларини ечиб, катта ҳудудларнинг ташкил этилишига сезиларли ўзгаришлар киритади. Хўжаликлараро ер тузиш бўйича асосий ишлар, одатда, хўжаликлар гуруҳини қамраб олгани ва кўпчилик ҳолларда маъмурий туманлар чегараларида амалга оширилганлиги сабабли, хўжаликлараро ер тузиш туман ер тузиш чизмалари билан ягона технологик ва ахборот алоқасида ўтказилади.

Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси

Хўжаликлараро ер тузиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- тайёргарлик ишлари;
- лойиҳани тузиш ва асослаш, лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- лойиҳани жойларга (натурага) кўчириш;
- ер тузиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш, ердан фойдаланиш ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган давлат актларини (далолатномаларини) бериш;
- хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини, ер мулкдорлари, эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан лойиҳанинг бажарилиши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш.

**ХЎЖАЛИКЛАР
АРО ЕР ТУЗИШ
ХАРАКАТЛАРИ**

жойнинг ўзида
овуллар, кишлоқлар,
посёлкалар, туманлар,
шахарлар,
вилоятларнинг
чегараларини
белгилаш

ер эгалари, ердан
фойдаланувчилар,
ижарачиларнинг ва
мулкдорларнинг янги ер
участкаларини ташкил этиш
хамда мавжуд ер
участкаларини тартибга
солиш лойиҳаларини тузиш

янги ташкил этилаётган,
кайта ташкил этилаётган
кишлоқ хўжалик корхоналари,
муассасалари ҳамда
ташкilotларига ер ажратиш
лойиҳаларини тузиш

ерларни баҳолаш
тадбирларини
ўтказиш

корхоналар, муассасалар
ва ташкilotларга давлат
ва жамоат эҳтиёжлари
учун олиб кўйиладиган
ерларни ажратиш бериш
лойиҳаларини тузиш

ерларни ресурс
жихатидан баҳолаш,
ерлардан фойдаланиш ва
уларни муҳофаза қилиш
юзасидан ер тузиш
хужжатларини ишлаб
чиқиш

ер участкаларини
нагурада (жойнинг
ўзида) ажратиш бериш

барча ерларни рўйхатга
олиш ҳамда
фойдаланилмаётган

янги ерларни
ўзлаштириш, бузилган
ерларни рекультивация
қилиш

ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ҚАЙСИ ТОИФАДАГИ ЕРЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Хўжаликлараро ер тузиш мураккаб ва ҳар хил тадбирлар тизимини ва ер тузиш ишлари турларини ўзида мужассамлайди. У ҳар хил тавсифга, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тартибига эга барча тоифалардаги ерларда ўтказилади.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳар бир тармоғида ердан турли хил мақсадларда фойдаланилади. Масалан, қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилса, бошқа тармоқларда у ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун зарурий шарт, яъни, замин сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам, ҳар хил тармоқлар учун ажратиладиган ерлар таркиби ҳам ҳар хил бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги учун энг унумдор тупроқли ерлар, бошқа тармоқлар учун эса унумдорлиги паст бўлган ерлар ажратилиши керак.

ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ТУРЛАРИ

қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш

ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва ўзгартириш

Ер тузиш амалиётида бу бўлиниш принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга: қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари таркибига сифати бўйича ҳар хил ерлар киритилиши керак. Қишлоқ хўжалиги учун унумдорликка эга ерлар талаб этилади, бошқа тармоқлар учун унумдорлик талаб этилмайди, шунинг учун уларда унумдор ерлардан фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги керак

ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА НИМАЛАР ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Хўжаликлараро ер тузиш объектлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ер фондлари ва бошқа ерларини тузиш зарур бўлган объектлар: хўжаликлар, хўжаликлар гуруҳлари (корхоналар, бирлашмалари, маъмурий туманлар, аҳоли яшаш жойлари, ўзлаштириладиган ҳудудлар) ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларида барча вазиятларда хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасининг умумий мазмуни қуйидаги асосий масалаларни ишлашдан иборат бўлади:

- **объект тагидаги ер участкаси майдонини аниқлаш;**
- **участкани ҳудудда жойлаштириш;**
- **участка таркибига ер турларининг зарур майдонларини киритиш;**
- **участкага мақсадга мувофиқ шакл бериш;**
- **участка чегараларини жойлаштириш.**

**«Ер эгалиги»
тушунчаси
нимани
англатади?**

Ер эгалиги - бу мулкчиликдаги, умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгаликдаги, аниқ мақсадлар учун фойдаланиладиган, аниқ майдониға, жойлашган ўрниға, ҳуқуқий мақомиға ва жойларда белгиланган аниқ чегараларига эга ер участкасидир.

**«Ердан
фойдаланиш»
тушунчаси
нимани
англатади?**

Ердан фойдаланиш - бу аниқ мақсадлар учун доимий (муддатсиз) ёки вақтинча (узок муддатли, қисқа муддатли) фойдаланишға, ижарани ҳам қўшиб, берилган, аниқ майдониға, жойлашган ўрниға, ҳуқуқий мақомиға ва жойларда белгиланган аниқ чегараларига эга ер участкасидир.

**«Ерларни олиш»
тушунчаси
нимани
англатади?**

Ерларни олиш - белгиланган тартибда аниқ ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (мулкчилик, эгалик қилиш, фойдаланиш, ижара) тугатишдир.

**«Ерларни бериш»
тушунчаси
нимани
англатади?**

Ерларни бериш - ер участкасини мулк қилиб, эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага фуқарога ёки ҳуқуқий шахсга беришдир

**«Ерларни ажратиш»
тушунчаси
нимани
англатади?**

Ерларни ажратиш - мулк қилиб, эгалик қилишга, фойдаланишга берилган ер участкасининг чегараларини жойларда белгилаш бўйича ер тузиш ишларидир.

Ички хўжалик ер тузиш

нима мақсадда
ўтказилади?

12-модда

Ички хўжалик ер тузиш ерга эгаллик қилувчи, ердан фойдаланувчиларнинг ташаббусига биноан ердан ишлаб чиқаришнинг юқори даражада фойдаланишга эришиш мақсадида ҳамда у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишдан иборат.

Ички хўжалик ер тузиш тури кишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча кишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупрок эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек сугориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади.

ИЛМИЙ
АСОСЛАНГАН
АЛМАШЛАБ
ЭКИШНИ ЖОРИЙ
ҚИЛИШ

СУҒОРИЛАДИГАН
ЕРЛАРНИ ТЎЛА
РЕКОНСТРУКЦИЯ
ЛАШ

ИЧКИ ХЎЖАЛИК
ЕР ТУЗИШ
ХАРАКАТЛАРИ
(ЕК 12-модда)

ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК ЕР
ТУРРЛАРИНИ
ЖОЙЛАШТИРИШ

ТУПРОҚ
ЭРОЗИЯСИГА ҚАРШИ
КУРАШ
ТАДБИРЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ